

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ТОХИРОВ МУРОДЖОН ИХТИЁР ЎҒЛИ

**ЮҚОРИ МОЛЕКУЛЯР МАССАЛИ ТЕРМОРЕАКТИВ ФЕНОЛ-
ФОРМАЛЬДЕГИД ОЛИГОМЕРЛАРИНИНГ СИНТЕЗ ҚИЛИШ
ШАРОИТЛАРИНИ УЛАРНИНГ ФИЗИК-КИМЁВИЙ ВА ТЕХНОЛОГИК
ХОССАЛАРИГА ТАЪСИРИ**

02.00.14 - Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of
Philosophy (PhD) on technical sciences**

Тохиров Муроджон Ихтиёр ўғли

Юқори молекуляр массали терморреактив

фенол-формальдегид олигомерларининг

синтез қилиш шароитларини уларнинг

физик-кимёвий ва технологик

хоссаларига таъсири..... 3

Тохиров Муроджон Ихтиёр угли

Влияние условий синтеза высокомолекулярных

терморреактивных фенол-формальдегидных

олигомеров на их физико – химические

и технологические свойства..... 21

Tokhirov Murodjon Ihtiyor ugli

Influence of synthesis conditions of

high molecular weight thermoreactive

phenol-formaldehyde oligomers on

their physicochemical and

technological properties 39

Эълон қилинганишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published of works.....42

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ТОХИРОВ МУРОДЖОН ИХТИЁР ЎҒЛИ

**ЮҚОРИ МОЛЕКУЛЯР МАССАЛИ ТЕРМОРЕАКТИВ ФЕНОЛ-
ФОРМАЛЬДЕГИД ОЛИГОМЕРЛАРИНИНГ СИНТЕЗ ҚИЛИШ
ШАРОИТЛАРИНИ УЛАРНИНГ ФИЗИК-КИМЁВИЙ ВА ТЕХНОЛОГИК
ХОССАЛАРИГА ТАЪСИРИ**

02.00.14 - Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги
Олий аттестация комиссиясида В2024.2.PhD/Т4594 рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилида (резюме)) www.tkti.uz
манзили бўйича веб-саҳифада ва www.ziyonet.uz манзили бўйича «ZiyoNET» Ахборот-
таълим порталида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Алимухамедов Музафар Ганиевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Кодиров Тўлқин Жумаевич
техника фанлари доктори, профессор

Мадиев Руслан Хаиткулович
техника фанлари номзоди

Етакчи ташкилот: И. Каримов номидаги Тошкент Давлат техника
университети

Диссертация химояси Тошкент кимё-технология институти хузуридаги илмий
даражалар берувчи DSc. 03/30.12.2019.Т.04.01 рақамли Илмий Кенгашнинг «17» 04
2025 йил соат «9:00» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент ш.,
Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси, 32-уй. Тел.: (998-71) 244-79-20, факс: (998-71) 244-
79-17, e-mail: info@tkti.uz). Тошкент кимё-технология институти Маъмурий биноси, 2-кават,
анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институти Ахборот-ресурс марказида
танишиш мумкин. (№ 7 - рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент ш.,
Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси, 32-уй. Тел.: (998-71) 244-79-20).

Диссертация автореферати 2025 йил «15» 03 кунни тарқатилди.
(2025 йил «15» 03 даги № 7 рақамли рестр баённомаси).



С.М. Туробжонов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., академик

Х.И. Кодиров
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

Г.Р. Раҳмонбердиев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда полимерлар саноатининг ривожланишида физик-механик ва эксплуатацион хоссалари, жумладан зичлиги паст, юқори диэлектрик хусусиятли, экологик хавфсизлиги ва арзонлиги полимер композициялар ишлаб чиқариш муҳим ўрин тутади. Композицион материаллар чокланган ҳолатга ўтганда, материалда ички кучланишларни (зўриқишларни) келтириб чиқармайдиган, полимернинг ёрилиши ва нуқсонларини олдини олувчи мустаҳкам ва барқарор боғловчиларни аниқлаш, юқори молекуляр массали терморектив фенол-формальдегид олигомерлари ишлаб чиқариш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Дунёда мустаҳкам ва барқарор боғловчилар кўшиш юқори молекуляр массали терморектив фенол-формальдегид олигомерлари олиш, таркиби турли тўлдирувчилар билан модификациялашган полимер композициялар ишлаб чиқариш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада алифатик гидроксил сақлаган полиэфирполиоллар ва фенол спиртлар асосида композицион материаллар таркибини ишлаб чиқиш, уларнинг физик-кимёвий хоссаларини технологик ва эксплуатацион хусусиятларига боғлиқлигини аниқлаш, саноатда мақсадли фойдаланиш имконини берувчи материаллар ишлаб чиқариш технологияларини яратиш ва синовдан ўтказишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда иккиламчи маҳсулотлардан мустаҳкам ва барқарор боғловчиларни аниқлаш, композицион полимернинг хусусиятларини ўзгартириш, технологик ва эксплуатацион хусусиятларини тартибга солиш ва уни қайта ишлашнинг энергия ва ресурстежамкор тизимлардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилиб, муайян илмий натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солган ҳолда маҳаллий саноат тармоқлари салоҳиятини янада ривожлантириш, ташқи бозор ва ҳалқаро талабларга жавоб берадиган стандартларни жорий этиш»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, хоссалари олдиндан белгиланган маҳаллий хом ашёлар асосида махсус хусусиятларга эга юқори молекуляр массали терморектив фенол-формальдегид олигомерларини олиш, улар асосида материаллар ишлаб чиқариш технологиясини жадаллаштиришга йўналтирилган тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 2-мартдаги ПФ-5953-сонли «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сонли «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини ривожлантиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3264-сон «Кимё саноати ташкилотларининг экспорт-импорт фаолиятини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида» фармони

такомил-лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 17 январдаги ПҚ-3479-сонли «Мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг талаб юқори бўлган маҳсулот ва хомашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Юқори молекуляр массали терморектив фенол-формальдегид олигомерларининг синтез қилиш шароитларини уларнинг физик-кимёвий ва технологик хоссаларига таъсири бўйича илмий-тадқиқот ишлари куйидаги олимлар томонидан олиб борилган. Xie J., Zeng N., Li N., Xiao M., Rao X., Wu Y., Варюхин В.В., Шишлов О.Ф., Трошин Д.П., Гоготов А.Ф., Варфоломеев А. А., Угрюмов С.А., Федотов А.А., Eter G., Застрочина О.Б., Швец Н.И., Постнов В.И., Серкова Е.А., Liu Sh., Dongsen W., Li X., Liu P., Kassebi F., Mammadov B., Francisco C., Виткалова И.А., Parameswaran P.S. ҳамда Республикамиздаги маҳаллий олимлар томонидан терморектив олигомерлар синтез қилиниб, физик-кимёвий хоссаларини яхшилаш, уларни қўллаш устида Магруппов Ф.А., Абдурашидов Т.Р., Джалилов А.Т., Негматов С.С., Рашидова С.Ш., Таджиходжаев З.А., Мухиддинов Б.Ф., Каримов М.К., Алимухамедов М.Г., Адиллов Р.И., Низамов Т.А., Жўраев А.Б. ва бошқалар илмий-амалий ишлар олиб боришган.

Ушбу олимлар фенол, карданол, фурфурол ва бошқа мономерлар асосида формальдегид ва катализаторлар иштирокида фенол-формальдегид олигомерларини синтез қилишнинг назарий ва амалий асосларини ўрганиб, уларнинг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилдилар. Олинган олигомерларни боғловчи сифатида фойдаланиб, улар асосидаги пластмассаларнинг физик-механик ва эксплуатацион хоссаларини яхшилаш имкониятларини аниқладилар.

Ҳозирда маиший техника ва кимё саноати учун полимер композит материалларни модификациялашнинг янги юқори самарали, экологик тоза ва иқтисодий самарадор технологияларини ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш ишлари олиб борилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институтининг «ОТ-Ф7-13-Юқори молекулали терморектив олигомерлар ва уларни тикилган ҳолатга ўтиш қонуниятлари» (2018-2020 й.й.) мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади юқори молекуляр массали терморектив фенол-формальдегид олигомерлар ва улар асосида пресс материаллар олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

адипин кислота ва бир қатор гликолар асосида алифатик гидроксил сақловчи полиэфирполиоллар синтези, уларни физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш;

фенол ва формальдегид асосида фенол спиртларни синтез қилиш қонуниятларини тадқиқ қилиш;

алифатик гидроксил сақловчи полиэфирполиол ва фенол спирт асосида юқори молекуляр массали терморреактив фенол-формальдегид олигомерларини синтез қилиш қонуниятларини тадқиқ қилиш ва технологиясини ишлаб чиқиш, унинг структура ва хоссаларини тадқиқ қилиш;

синтез қилинган юқори молекуляр массали терморреактив фенол-формальдегид олигомерлари асосида полимер композициялар олиш технологиясини ишлаб чиқиш, техник-иқтисодий самарадорлиги ўрганиш ва олинган пресс материалларни физик-механик хоссаларини тадқиқ қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида адипин кислота, диэтиленгликол, фенол, формальдегид, катализаторлар (рух ацетат, натрий гидроксид, малеин ангидрид), полимер композициялар олиш учун дарахт уни, базальт кукуни, магний оксид, сажа ва стеарин кислоталар олинган.

Тадқиқотнинг предмети юқори молекуляр массали терморреактив фенол-формальдегид олигомерлари ҳосил бўлиш қонуниятлари ҳамда уларидан фойдаланиб композицион материаллар рецептураларини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида технологик ва эксплуатацион хусусиятларни аниқлаш учун стандартлаштирилган синов услублари - термомеханик, спектроскопик, турбидиметрик, дифференциал-термогравиметрик тадқиқотлар, шунингдек, олинган натижаларни статистик қайта ишлаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйдагилардан иборат:

1:1,1 мол/мол нисбатида адипин кислота ва алифатик дигликоларнинг поликонденсацияланиш шароитлари аниқланиб, юқори молекуляр массали ($M_n=10\ 000$ г/мол) резол типдаги фенол-формальдегид олигомерлари учун мономерлар бўлишлиги асосланган;

фенол ва формальдегиднинг 1:1,5 мол/мол нисбати юқори молекуляр массали терморреактив фенол-формальдегид олигомерлар олиш учун мақбул нисбат эканлиги исботланган;

олигомер қовушқоқлиги, Уббеллоде бўйича томчи тушиш ҳарорати, ўртача ва вазний молекуляр массаси ортиши диэтиленгликол-адипинатолнинг икки томонига фенол спиртлар кимёвий боғланиши билан асосланган;

синтез қилинган юқори молекуляр массали терморреактив фенол-формальдегид олигомерларининг қовушқоқлик бўйича молекуляр массаси аниқланиб, бу тизимлар учун Марк-Хувинк-Кун тенгламасининг коэффицентлари $K=1,0532$ ва $\alpha=0,103$ тенг эканлиги асосланган;

юқори молекуляр массали терморреактив фенол-формальдегид олигомерлар ва улар асосида иссиқбардош электр буюмлар олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйдагилардан иборат:

юқори молекуляр массали терморектив фенол-формальдегид олигомерлари олиш мақбул параметрлари аниқланган;

юқори молекуляр массали терморектив фенол-формальдегид олигомери асосида полимер композиция олиш технологияси ишлаб чиқилган;

юқори молекуляр массали терморектив фенол-формальдегид олигомери асосида иссиқ бардош электр буюмлар олиш мақбул параметрлари аниқланган;

юқори молекуляр массали терморектив фенол-формальдегид олигомери асосида ППФАВМФФО-1/80Б маркали полимер композиция олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги физик-механик ва кимёвий, турбидиметрик ва дифференциал термогравиметрик таҳлил усулларининг натижалари ушбу диссертацияда берилган илмий хулосалар, баҳолаш мезонлари ва ишлаб чиқариш синовлари натижаларининг адекватлиги, ишлаб чиқилган композицияларнинг ишлаб чиқариш циклига киритилиши билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти юқори молекуляр массали терморектив фенол-формальдегид олигомерининг физик-механик хусусиятлари орасидаги боғлиқлик қонуниятларининг асосланганлиги, барқарор боғловчилар, тўлдирувчилар ва полимер композициялар ўртасидаги жараён механизмининг исботланганлиги, кўп компонентли махсус хусусиятларга эга терморектив полимер композициялар ишлаб чиқарилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олдиндан белгиланган хусусиятларга эга ФАВМФФО-1/80 маркали юқори молекуляр массали терморектив фенол-формальдегид олигомерлари асосида ППФАВМФФО-1/80Б маркали пресс материаллар ишлаб чиқаришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Юқори молекуляр массали терморектив фенол-формальдегид олигомерлар ва улар асосида пресс материаллар олиш технологиясини ишлаб чиқиш натижасида:

ФАВМФФО-1/80 юқори молекуляр массали терморектив фенол-формальдегид олигомери олиш технологияси «Акмал Умид Барака» МЧЖнинг «2025-2026 йиллардаги амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Uzeltexsanoat» уюшмасининг 2024 йил 19 июлдаги №04-3/1202 сонли маълумотномаси). Натижада ППФАВМФФО-1/80Б маркали полимер композиция асоси - импорт ПФ2А2-131 маркали олигомерни тўлиқ алмаштириш имконини берган;

ППФАВМФФО-1/80Б маркали полимер композиция олиш технологияси «Акмал Умид Барака» МЧЖнинг «2025-2026 йиллардаги амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Uzeltexsanoat» уюшмасининг 2024 йил 19 июлдаги №04-3/1202 сонли маълумотномаси). Натижада иссиқбардош электр буюлари ишлаб чиқариш ва импорт қилинувчи маҳсулотларни маҳаллийлаштириш имконини берган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари маъруза кўринишида 7 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шундан, 3 та Республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.


Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, 101 та фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, ўтказилган тадқиқотларнинг ишончлилиги, апробацияси ва натижаларнинг нашр қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми, тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Фенол-формальдегид олигомерлари синтезининг кимёвий асослари, хоссаларини белгиловчи технологик омиллар ва уларни олиш имкониятлари**» деб номланган **биринчи** бобида мавзу бўйича хорижий ва маҳаллий адабиётлар умумлаштирилган ва илмий-таҳлилий хулосалар чиқарилган, ҳамда диссертация ишининг мақсади, вазифалари, долзарблиги ва муҳимлиги асосланган.


Диссертациянинг «**Юқори молекуляр массали терморектив фенол-формальдегид олигомерини синтез қилиш, уларнинг тадқиқот объектларини танлаш ва уларни ўрганиш усуллари**» деб номланган **иккинчи** бобида тадқиқотларни олиб бориш бўйича дастлаб хом-ашёлар, уларнинг асосий физик-кимёвий хоссалари, дастлабки моддаларни, юқори




молекуляр массали терморектив фенол-формальдегид соолигомерларини синтез қилиш методикалари, физик-кимёвий таҳлил, қотиш шароитлари ва технологик хоссаларини таҳлил қилиш усуллари, синтез қилинган мономерлар ва соолигомерларнинг тузилишининг таҳлил усулларининг баёни келтирилган. ФАВМФФО-1/80 маркали соолигомер асосида ППФАВМФФО-1/80Б маркали пресс композицияни лаборатория шароитида олиш ва олинган намуналарнинг физик-механик

кўрсаткичларини аниқлаш усуллари келтирилган.

Диссертациянинг «**Юқори молекуляр массали терморектив фенол-формальдегид олигомерлари синтези ва уларни тадқиқ қилишдан олинган натижаларнинг муҳокамаси**» деб номланган учинчи бобида адипин кислота ва алифатик дигликол (диэтиленгликоль (ДЭГ), этиленгликоль (ЭГ), бутиленгликоль (БГ)) ларнинг турли хил нисбатларида поликонденсацияланиш шароитлари ўрганилди. Синтез қилинган диэтиленгликоладипинатол, этиленгликоладипинатол ва бутиленгликоладипинатолларнинг физик-кимёвий хоссаларини таққослаб (1-расм) кислота сони ва гидроксил гуруҳ миқдори юқори, молекуляр массаси пастроқ бўлганда ҳам қовушқоқ суяқ ҳолатда бўладиган АДК ва ДЭГ нинг 1:1,1 мол/мол нисбатида синтез қилинган диэтиленгликоладипинатолни мономер сифатида танлаб олинди.



Тадқиқотларимизнинг кейинги босқичида, юқори молекуляр массали терморектив фенол-формальдегид олигомерларини ишлаб чиқариш талабларига мос келадиган фенол спиртларни синтез қилиш қонуниятларини ўрганилди. Фенол ва формальдегиднинг 1:1,5 мол/мол нисбатидаги фенол спиртлар юқори молекуляр массали терморектив фенол-формальдегид олигомерларини ишлаб чиқариш талабларига жавоб бериши кўрсатилди. (2-расм)




Тадқиқотларимизни давом эттириб, юқори молекуляр массали терморектив фенол-формальдегид олигомерларининг ҳосил бўлиш қонуниятларини ўрганилди. Бунда дастлаб якуний олигомерларни хоссаларига ДЭГА:ФС мол нисбатини таъсири ўрганилди. (3-расм)

Синтез учун олинган ДЭГанинг 1 молига ФСнинг 40, 60, 80 ва 100 мол нисбатларида таъсирлаштириш

орқали сополиконденсацияланиш жараёни олиб борилди. Синтез жараёнига қўшилаётган МА катализатори юқори молекуляр массали терморреактив фенол-формальдегид олигомерлари ҳосил бўлишида қатнашиб, олигомерларнинг молекуляр массасини ортишига хизмат қилмоқда.


Реакцион массанинг физик-кимёвий хоссаларига синтез давомийлигининг таъсири ўрганилган(4-расм).



4 – расм. Фенолоспирт ва диэтиленгликоладипинатол (80:1 мол/мол) нисбатда соолигомерлари ҳосил бўлишига реакция давомийлигининг таъсири. 1 - Характеристик қовушқоқлик; 2 - Уббелодде бўйича томчи тушиш ҳарорати; 3 - Ўртача сон молекуляр масса; 4 - Ўртача вазний молекуляр масса; 5 - Гидроксил гуруҳлар миқдори; 6 - Бром сони; 7 - Синтез якунида муҳитнинг рН кўрсаткичи; 8 - Ажралиб чиққан сув

Синтез давомийлиги характеристик қовушқоқликни, Уббелодде бўйича томчи тушиш ҳароратларини, ўртача ва вазний молекуляр массани ва синтез жараёнида ажралаётган сув миқдорини ортишига сабаб бўлмоқда. Умуман олганда, синтез давомийлиги юқори молекуляр массали терморреактив фенол-формальдегид соолигомерларининг ҳосил бўлишида асосий вазифани бажариши кўрсатилди.

Яқуний соолигомерларни тузилишини турбидиметрик титрлаш усули билан таҳлил қилдик. Асосий эритувчи сифатида диметилформамид, чўктирувчи сифатида дистилланган сув танланди. Барча намуналар натижалари асосида 5-расмдаги каби эгри чизикли график чизилди. Танланган технологик шароитларда ФС:ДЭГА моляр нисбатларидан қатъий назар, соолигомерлар ҳосил бўлиши кўрсатилди. Уларда диэтиленгликоладипинатолнинг ҳар икки томонига фенолоспиртлар кимёвий боғлар ёрдамида боғланади.




5 – расм. 1% ли олигомер эритмалари оптик зичлигининг чўктирувчи миқдорига боғлиқлиги. 1:40


1-ДЭГА (диэтиленгликоладипинатол): эритувчи – диметилформамид, чўктирувчи - дистилланган сув.
 2-Фенолоспирт (фенол:формальдегид 1:1,5 мол/мол) асосида синтез қилинган резол типдаги аънавий оддий фенол-формальдегид олигомери (РТАОФФО): эритувчи – диметилформамид, чўктирувчи - дистилланган сув.
 3-РТАОФФО:ДЭГАнинг ўзаро 40:1 мол/мол нисбатидаги механик аралашмаси: эритувчи – диметилформамид, чўктирувчи - дистилланган сув.
 4-Фенолоспирт ҳамда диэтиленгликоладипинатолнинг 40:1 мол/мол нисбатда синтез қилинган юқори молекула массали терморреактив фенол-формальдегид соолигомерлари: эритувчи – диметилформамид, чўктирувчи - дистилланган сув.

Танланган технологик шароитларда ҳосил бўлаётган юқори молекуляр массали терморреактив фенол-формальдегид соолигомерларининг тузилиши таҳлилларни янада аниқлаштириш мақсадида ИҚ ва ЯМР – спектроскопия таҳлиллари ўтказилди. (6 – расм)

Ушбу маълумотлар асосида диэтиленгликоладипинатол (ДЭГА)ни қуйидагича тузилишда ифодалашимиз мумкин:



2 – спектр фенол ва формальдегиднинг 1:1,5 мол/мол нисбатида синтез қилинган фенолоспиртнинг ИҚ-спектрларига тегишли бўлиб, диметилолфенол ва триметилолфеноллар ҳосил бўлаётганидан далолат берди. 3,4,5 – ўтказиш



чўққилари фенолоспирт ва диэтиленгликоладипинатолнинг 80:1 мол/мол нисбатида 20, 40 ва 80 дақиқа давомида синтез қилинган юқори молекуляр массали терморреактив фенол-формальдегид соолигомерларининг ИҚ-спектрларида гидроксил гуруҳларига тегишли чўққилар (3369 см⁻¹, 3354 см⁻¹, 3375 см⁻¹ ва 1016 см⁻¹, 1041 см⁻¹, 1047 см⁻¹) мавжуд бўлиб, уларнинг интенсивлиги синтез давомийлиги ортиши билан камайди. Метилен гуруҳга тегишли чўққилар (2926 см⁻¹, 2924 см⁻¹, 2926 см⁻¹) ўзгармади. Синтез вақти ортиши билан 1442 см⁻¹,


6 – расм. ДЭГА:ФеС ларнинг 1:80 мол/мол нисбатида синтез қилинган соолигомерларнинг ва синтез қилиш учун фойдаланилган мономерларнинг ИҚ- спектрлари:

1-Диэтиленгликоладипинатол; 2-Фенолоспирт; 3-ДЭГА:ФеС 1:80 мол/мол нисбат синтез давомийлиги 20 дақиқа; 4-ДЭГА:ФеС 1:80 мол/мол нисбат синтез давомийлиги 40 дақиқа; 5-ДЭГА:ФеС 1:80 мол/мол нисбат синтез давомийлиги 80 дақиқа.

1444 см⁻¹, 1446 см⁻¹ чўққилари пайдо бўлиб, бу чўққилар метилен кўпригига (Ar-CH₂-Ar) тегишли эканлиги аниқланди. Диметилен эфир гуруҳлари 1230 см⁻¹, 1234 см⁻¹, 1224 см⁻¹ чўққиларида намоён бўлди, бу (Ar-CH₂-O-CH₂-Ar) ҳосил бўлишини кўрсатади. Мураккаб эфир гуруҳлари 1712 см⁻¹, 1714 см⁻¹, 1716 см⁻¹ чўққиларида пайдо бўлди. Бензол ҳалқадаги –C=C– гуруҳига тегишли чўққилар (1595 см⁻¹, 1510 см⁻¹), 1,2,4-триалмашган (815-819 см⁻¹) ва 1,2,6-триалмашган (752-758 см⁻¹) бензол ҳалқаларга тегишли чўққилар ўзгармади.


ДЭГА:ФС 1:80 мол/мол нисбатдаги соолигомер мисолида таҳлил қилинган ИҚ-спектрлар барча нисбатлардаги соолигомерларнинг тузилиш структураси

бир хил эканлигини кўрсатади. ИҚ-спектр маълумотларини янада аниқроқ тушуниш учун 7-расмда ЯМР ^1H ва 8-расмда ЯМР ^{13}C спектрлари тасвирланди ва таҳлил қилинди.




7-расм. ДЭГА:ФС ларнинг 1:40, 1:60, 1:80 ва 1:100 мол/мол нисбатларида синтез қилинган якуний ЮММТФФ олигомерларнинг ва синтез қилиш учун фойдаланилган мономерларнинг ^1H ЯМР-спектрлари:

1-Диэтиленгликоладипинатол; 2-Фенолоспирт;
3-ДЭГА:ФС 1:40 мол/мол нисбатда синтез қилинган олигомер;
4-ДЭГА:ФС 1:60 мол/мол нисбатда синтез қилинган олигомер;
5-ДЭГА:ФС 1:80 мол/мол нисбатда синтез қилинган олигомер;
6-ДЭГА:ФС 1:100 мол/мол нисбатда синтез қилинган олигомер.



8-расм. ДЭГА:ФС ларнинг 1:40, 1:60, 1:80 ва 1:100 мол/мол нисбатларида синтез қилинган якуний ЮММТФФ олигомерларнинг ва синтез қилиш учун фойдаланилган мономерларнинг ^{13}C ЯМР-спектрлари:

1-Диэтиленгликоладипинатол; 2-Фенолоспирт;
3-ДЭГА:ФС 1:40 мол/мол нисбатда синтез қилинган олигомер;
4-ДЭГА:ФС 1:60 мол/мол нисбатда синтез қилинган олигомер;
5-ДЭГА:ФС 1:80 мол/мол нисбатда синтез қилинган олигомер;
6-ДЭГА:ФС 1:100 мол/мол нисбатда синтез қилинган олигомер.



9 - расм. Ароматик ҳалқадаги ^1H протонларини ва ароматик ҳалқадаги ^{13}C углерод атомларини ЯМР кимёвий силжишларда жойлашиш стурктураси

7 ва 8-расмнинг 1-спектрида ЯМР ^1H ва ЯМР ^{13}C кимёвий силжишлар диэтиленгликоладипинатол (ДЭГА) мономериға тегишли. ЯМР ^1H кимёвий силжишлари: $-\text{CH}-$ протонлар, $-\text{CH}_2-$ метилен гуруҳ протонлари, карбонил гуруҳ ёнидаги метилен гуруҳлар, диэтиленгликолдаги оддий эфир протонлари ва $-\text{CH}_2-\text{OH}$ бирламчи гидроксил гуруҳ протонлари аниқланди. ЯМР ^{13}C ПМР маълумотларини тасдиқлайди.

2-спектрида тасвирланган. ЯМР ^1H ва ЯМР ^{13}C таҳлили ФСда қуйдаги бирикмалар борлигини кўрсатди.(9-расм)

Фенол ва формальдегиднинг 1:1,5 мол/мол нисбатида синтез қилинган фенолоспирт (ФС)нинг ЯМР ^1H ва ЯМР ^{13}C кимёвий силжишлари 7-ва 8 – расмларнинг

ДЭГА:ФС ларнинг 1:40, 1:60, 1:80 ва 1:100 мол/мол нисбатларида синтез қилинган якуний маҳсулотларнинг ЯМР ^1H , ^{13}C спектрларида 1,17-1,62 ppm ораликдаги кимёвий силжиш ($-\text{CH}=\text{CH}-$) протонлари билан боғлиқ. Бу, малеин ангидриднинг поликонденсация жараёнида иштирок этишини ва молекуляр массани оширишини кўрсатади. 2,309-2,332 ppm ораликдаги кимёвий силжиш ($-\text{CH}_2-$) метилен гуруҳининг протонларига тегишли, бу барча олигомерларда мавжуд. 2,819-2,951 ppm ораликдаги узун кимёвий силжиш фақат 5- ва 6-спектрларда кўринади. Бу фенолоспирт миқдори кўпроқ бўлган олигомерларда ароматик ҳалқаларни боғлайдиган метилен кўприклар ($\text{Ar}-\text{CH}_2-\text{Ar}$) ҳосил бўлишини кўрсатади. 3,304 ppm узун кимёвий силжиш 3,4,5,6-спектрларда кўринади, бу метилен кўприклари миқдорининг ортишига ишора қилади. 3,60-3,75 ppm ораликдаги кимёвий силжишлар ($-\text{CH}_2-\text{O}-$) таркибидаги протонларга, 4,15-4,17 ppm ораликдаги кимёвий силжишлар ($-\text{O}-\text{C}(\text{O})-(\text{CH}_2)_4-\text{C}(\text{O})-\text{O}$) таркибидаги протонларга, 4,58-4,64 ppm ораликдаги кимёвий силжишлар оддий эфир ($-\text{CH}_2-\text{O}-\text{CH}_2-$) таркибидаги протонларга ва 6,64-6,96 ppm ораликдаги кимёвий силжишлар ароматик ҳалдаги орто ва пара ҳолатдаги алмашмаган протонларга тегишли эканлиги аниқланди.




ИҚ- ва ПМР-спектроскопик анализларнинг натижаларини якуний маҳсулотларнинг ЯМР ^{13}C спектрлари тасдиқлайди.

Диссертациянинг «**Юқори молекуляр массали термореактив фенол-формальдегид олигомерлари асосида полимер композициялар ишлаб чиқиш, олинган пресс материалларни тажриба синовлари ва техник иқтисодий самарадорлиги**» деб номланган тўртинчи бобда дастлаб синтез шароитларини технологик хоссаларга таъсири ўрганилган. ДЭГА ва ФС асосида юқори молекуляр массали термореактив фенол-формальдегид олигомерлари ишлаб чиқариш технологияси ишлаб чиқилган.

Синтез қилинган ФС:ДЭГА 40:1, 60:1, 80:1 ва 100:1 мол/мол нисбатлардаги юқори молекуляр массали термореактив фенол-формальдегид соолигомерларининг технологик хоссалари ўрганилди. Тикилган ҳолга ўтиш шароитлари ГОСТ Р 57779-2017 (ИСО 8987:2005) бўйича 130°C, 150°C, 180°C ва 200°C ҳароратларда ўрганилди. Синтез вақтлари ортиши билан гелланиш вақтлари камайиб бормоқда. Сополиконденсатларнинг термореактивлиги молекуляр массаларининг ошиши билан ортиб боради.

ДЭГА:ФС 1:40, 1:60, 1:80 ва 1:100 мол/мол нисбатлардаги юқори молекуляр массали термореактив фенол-формальдегид соолигомерларидан 4 таси танлаб олинди ва улар ФАВМФФО-1/40, ФАВМФФО-1/60, ФАВМФФО-1/80 ва ФАВМФФО-1/100 деб номланди. Уларнинг гель фракцияси ГОСТ Р 59112-2020 (ИСО 10147:2011) бўйича ўрганилди. 150°C, 180°C ва 200°C ҳароратларда 10 дақ., 30 дақ., 1 соат, 5 соат ва 10 соат давомида қотирилган. Натижада, гель фракция унумдорлиги >98 % дан юқори бўлди. ФАВМФФО-1/80 маркали соолигомерни пресс композициялар учун танлаб олинди. 180°C, 200°C ва 220°C ҳароратларда қотирувчи ZnCl_2 нинг 1-1,5% қўшиб ва қотирувчи қўшмасдан гель фракция унумдорлиги ўрганилди. (10-расм) Пресс композицион материаллар учун энг мақбул намуна 200°C ҳароратда 1% қотирувчи қўшилганда 20 дақиқада гель фракция унуми 98,1 % бўлган намуна танлаб

олинди. ФАВМФФО-1/80 маркали соолигомернинг юқори ҳароратларга барқарорлигини ўрганиш мақсадида дифференциал термогравиметрик таҳлил (ДТА) ўтказилди. Олинган дериватограмма 11-расмда тасвирланган. Таҳлил натижалари соолигомернинг 470°C ҳароратгача барқарорлигини кўрсатди.



I- Диэтиленгликоладипинатол (ДЭГА) синтез қилиш бўлими;

II-Фенолоспирт синтез қилиш бўлими;

III-Юқори молекуляр массали термореактив фенол-формальдегид олигомери синтез қилиш бўлими.

1-Диэтиленгликол учун дозаловчи идиш; 2-Адипин кислотаси учун дозаловчи идиш; 3-Инерт муҳит қилиш учун азотли шар; 4-Диэтиленгликоладипинатол (ДЭГА) синтез қилиш учун шишали реактор; 5,19-поликонденсация маҳсулотларини вакуум остида сўриб олувчи идиш; 6,11,18-Сув билан совутгич; 7-Синтез қилинган диэтиленгликоладипинатол (ДЭГА)ни оралик йиғувчи идиш; 8-Тоза фенол учун идиш; 9-Формалин эритмасини сақловчи идиш; 10,17-pH метр; 12-Фенолоспирт синтез қилиш учун шишали реактор; 13-Синтез қилинган Фенолоспиртни оралик йиғувчи идиш; 14,15-хом-ашё сақловчи идишлар; 16-Юқори молекуляр массали фенол-формальдегид олигомери синтез қилиш учун шишали реактор; 20-Тайёр ФАВМФФО-1/80 маркали олигомер сақловчи идиш.

ФАВМФФО-1/80 маркали юқори молекула массали термореактив фенол-формальдегид олигомерини ишлаб чиқариш технологик жараёни 3 босқичдан иборат.

I-босқич. АДК:ДЭГ 1:1,1 мол/мол нисбатда ДЭГА (диэтиленгликоладипинатол) синтез қилиш;

II–босқич. Фенол:формальдегид 1:1,5 мол/мол нисбатда ФС (фенол спирт) синтез қилиш;

III–босқич. ФАВМФФО-1/80 маркали юқори молекула массали терморектив фенол-формальдегид олигомерини синтез қилиш.

ФАВМФФО-1/80 маркали юқори молекуляр массали терморектив фенол-формальдегид олигомерини синтез қилиш технологик жараёни 12-расмдаги технологик схема асосида амалга оширилди.

ТКТИ ва «Акмал Умид Барака» МЧЖ томонидан синтез қилиб олинган ФАВМФФО-1/80 маркали юқори молекуляр массали терморектив фенол-формальдегид олигомерини бошқа аналоглари билан физик – кимёвий ва технологик хоссаларини солиштирдик. Солиштириш 3–жадвалда берилган.

3 – жадвал

ФАВМФФО-1/80 маркали юқори молекуляр массали терморектив фенол-формальдегид олигомерини саноат аналоглари билан физик – кимёвий ва технологик хоссаларини солиштирма жадвали

№	Кўрсаткичлар	ФАВМФФО-1/80 маркали юқори молекула массали терморектив фенол-формальдегид олигомери	РС-Н (ВИАМ) резол:наволак 1:1 мол/мол (Россия)	СФ-340А ГОСТ 18694-80 (Россия)
1.	Ташқи кўриниш	Ўткир тўқ сариқ рангли, майдаланувчан қаттиқ	Суюқ ҳолда	Порошок ҳолда сариқ рангли қаттиқ
2.	Эркин фенол микдори, %	2,31%	5%	4%
3.	Уббелоде бўйича томчи тушиш ҳарорати, °С	95	35	90-110
4.	Ўртача молекуляр масса, г/мол	9600	480	750
5.	130°С да желатинланиш вақти, секунд	316	300	60-100
6.	Гель фракция унуми, %	200°С да 25 дақиқа қотирилган 98,2%	140°С да 3 соат қотирилган 94,7%	-

3–жадвалдан кўриниб турибдики, синтез қилинган ФАВМФФО-1/80 маркали олигомер саноат аналогларидан бир қанча хоссаларидан бўйича устунлигини кўришимиз мумкин.

ППФАВМФФО-1/80, ППФАВМФФО-1/80Б маркали пресс материаллар ишлаб чиқариш технологияси 13-расмда келтирилган.

ППФАВМФФО-1/80, ППФАВМФФО-1/80Б маркали пресс материаллар ишлаб чиқариш учун дастлаб, 4- ва 5- жадвалдаги рецептуралар асосида хом-ашё моддалар тоза ҳолатда ГОСТ нормалари асосида тоза ҳолатда (1) идишларга жойланади. (1) идишлардан хом-ашё моддалар бир марта юклаб олиш микдорича (2) тарозида тортиб олинади.


ППФАВМФФО-1/80 маркали пресс материал тайёрлаш учун рецептура

№	Компонентларнинг номи	Компонентларнинг вазифаси	Микдор, 100 м.к.	1000 кг пресс материал
1.	ФАВМФФО-1/80 маркали юқори молекуляр массали терморреактив фенол-формальдегид олигомери	Боғловчи	48	480 кг
2.	Дарахт уни, 160 маркали	Тўлдирувчи	46	460 кг
3.	Сажа П-803 маркали	Бўёвчи модда	1,5	15 кг
4.	Магний оксид MgO, таҳлил учун соф (ч.д.а.) ОКП 26 1121 0472 09	Тўлдирувчи	3	15 кг
5.	Стеарин кислота, 1865 маркали	Мойловчи модда	1,5	20 кг
Жами:			100	1000 кг

ППФАВМФФО-1/80Б маркали пресс материал тайёрлаш учун рецептура

№	Компонентларнинг номи	Компонентларнинг вазифаси	Микдор, 100 м.к.	1000 кг пресс материал
1.	ФАВМФФО-1/80 маркали юқори молекуляр массали терморреактив фенол-формальдегид олигомери	Боғловчи	46	460 кг
2.	Рух хлорид ZnCl ₂ , А маркали	Қотирувчи	1	10 кг
3.	Дарахт уни, 160 маркали	Тўлдирувчи	30	300 кг
4.	Базальт кукуни, МП-1 маркали	Тўлдирувчи	17	170 кг
5.	Сажа П-803 маркали	Бўёвчи модда	2,5	25 кг
6.	Магний оксид MgO, таҳлил учун соф (ч.д.а.) ОКП 26 1121 0472 09	Тўлдирувчи	1,5	15 кг
7.	Стеарин кислота, 1865 маркали	Мойловчи модда	2	20 кг
Жами:			100	1000 кг

Тайёрланган хом-ашё моддалар (3) шарли тегирмонга юкланади. (3) Шарли тегирмонга бир марта юклашда хом-ашё моддалар умумий ҳажми 20 % ташкил қилиши шарт. (3) шарли тегирмонда ҳарорат 30°C да 25 дақиқа давомида 60-100 айл/мин. тезлик билан айланади. Шарларнинг ҳаракати туфайли ярим фабрикаат майдаланиб гомоген холга келади.



13 – расм. Юқори молекуляр массали терморреактив фенол-формальдегид олигомерлари асосидаги ППФАВМФФО-1/80, ППФАВМФФО-1/80Б маркали пресс материаллар ишлаб чиқаришнинг ярим саноат технологик схемаси. 1-Жараёнда ишлатиладиган хом-ашё ва қўшимчаларни сақлаш учун идишлар; 2-Хом-ашёларни ўлчаш учун тарози; 3-Шарли тегирмон; 4-Шарли тегирмондан ярим фабрикаатни бўшатиб олиш учун идиш; 5-Қиздириб пластификацияловчи вальс; 6-Вальсдан чиқан пресс композиция бўлакларини совутиш учун идиш; 7-Кукуни қилиш учун майдалагич; 8-Майдаланган кукуни элаш учун элак(сито); 9-Пресс материални массасини ўлчаб, қолибга солиш учун тарози; 10-Пресс материални пресслаш учун гидравликпресс; 11-ППФАВМФФО-1/80, ППФАВМФФО- 1/80Б маркали пресс материаллардан олинган намуна.

Кейинги боскичда (3) шарли тегирмонда майдаланган ярим фабрикатни (4) идишга бўшатиб олинади. Бўшатиб олинган ярим фабрикат 130°C гача олдиндан қиздириб олинган (5) пластицияловчи вальсни юқори қисмидан (4) идиш ёрдамида берилади. (5) Пластицияловчи вальсинг айланиш тезлиги 100-120 айл/мин. бўлиш керак. Пластициялаш жараёни 3 дақиқа давомида олиб борилади. (5) пластицияловчи вальсинг таг қисмидаги йиғувчи қисмидан гомогенлашган бўлакларни (6) совитувчи идишга ўтказилади, хона ҳароратига тушириб олинади.

6-жадвал

Пресс намуналарни физик-механик, иссиқлик ва диэлектрик кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар номлари	ППФАВМФ ФО-1/80 маркали пресс материал асосидаги намуна	ППФАВМФ ФО-1/80Б маркали пресс материал асосидаги намуна	PF2A2- 131 маркали пресс материал асосидаги намуна	Синов усули
Физик кўрсаткичлари				
Ранг	Кулранг	Қора	Қора	ГОСТ5689-79
Сув шимувчанлиги, %	3,53	1,83	3,51	ГОСТ4650-2014
Намлик ва учувчан моддаларнинг масса улуши, %	0	0	0	ГОСТ 28804-90
Оқувчанлик, мм	115	143	136	ГОСТ28804-90
Зичлик, г/см ³	1,77	1,91	1,85	-
Механик кўрсаткичлари				
Эгилишга бўлган мустаҳкамликни Динстат типли асбобда синаш, МПа	0,3093	0,470	0,408	DIN 53435:2018-09
Зарбий ковушқоқликни Динстат типли асбобда синаш, Ж/м ²	16,298	16,231	14,434	DIN 53435:2018-09
Статик эгилишга синаш, МПа	78,5	90,2	86,3	ГОСТ 14019- 2003
Қаттиқлик, МПа	264,25	301,61	279,13	-
Иссиқлик кўрсаткичи				
Иссиқлик бардошлик Мартенс бўйича, °С	184 °С	195 °С	185 °С	ГОСТ 21341- 2014
Диэлектрик кўрсаткичлари				
Солиштира ҳажмий электр қаршилиги, Ом.	1·10 ¹¹	1·10 ¹²	1·10 ¹¹	ГОСТ 6433.2-71
Солиштира сирт электр қаршилиги, Ом.	1·10 ¹²	1·10 ¹³	1·10 ¹¹	ГОСТ 6433.2-71
Электр мустаҳкамлиги, кВ/мм,	10	14	11	ГОСТ 6433.3-71
50 Гс частотадаги диэлектрик йўқотишлар бурчагининг тангенци	0,08	0,09	0,08	ГОСТ 6433.4-71
50 Гс частотада диэлектрик ўтказувчанлик	7,5	8,9	8,1	ГОСТ 6433.4-71

Хона ҳароратигача туширилган ППФАВМФФО-1/80, ППФАВМФФО-1/80Б маркали пресс композициялар (7) майдаловчи жиҳозда кукун холига келтириб олинади. Кукун холига келган ППФАВМФФО-1/80, ППФАВМФФО-1/80Б маркали пресс композицияларни яна бир бор (8) элакда эланади. Элакдан ўтган ППФАВМФФО-1/80, ППФАВМФФО-1/80Б маркали пресс композициялар (9) тарозида пресс қолиб ҳажмига мос қилиб тортилади. Керакли буюн учун олинган қолиб гидравликпрессда пресслашдан 200°С да 1 соат олдин қиздириб олинади. Қиздирилган буюм қолипига пресс композиция солинади. (10) гидравлик пресс пресслаш учун ёпилади ва 12 МПа босимда 15-20 дақиқа давомида прессланади. Подресовка вақти 5 дақиқани ташкил қилади. 15-20 дақиқадан сўнг қолиб очилиб ичидан буюм чиқариб олинади.

Юқори молекуляр массали терморреактив фенол-формальдегид олигомерлари асосида ишлаб чиқилган пресс материаллардан «Акмал Умид Барака» МЧЖ корхонасидаги мавжуд технологик линияда намуналар олинди. Олинган пресс намуналарни физик-механик, иссиқлик ва диэлектрик кўрсаткичлари ГОСТ 5689-79 бўйича 6-жадвалда келтирилган.

6-жадвалдан кўриниб турибдики, ППФАВМФФО-1/80 маркали намунанинг технологик кўрсаткичлари паст бўлгани учун, ППФАВМФФО-1/80Б маркали материалдан олинган намуна Хитойдан импорт қилинадиган PF2A2-131 маркали пресс материалдан устунлиги аниқланди. Ушбу намуна иссиқлик бардошлилиги, сув шимувчанлиги, зарбий қовушқоқлиги, эгилишга мустаҳкамлиги, электр қаршилиги ва диэлектрик ўтказувчанлик бўйича яхшироқ кўрсаткичларга эга.

Тадқиқот натижалари асосида синтез қилинган ФАВМФФО-1/80 маркали олигомер асосида пресс материаллар ишлаб чиқариш учун иқтисодий самарадорлигини баҳолашда таннархлари импорт қилинаётган шу турдаги PF2A2-131 маркали пресс материалларининг таннархлари билан ўзаро таққосланди. (7-жадвал)

1 тонна ППФАВМФФО-1/80Б маркали пресс материал ишлаб чиқариш учун 29 833 минг сўм сарф-харажатлар талаб этилади.

7 – жадвал

ППФАВМФФО-1/80Б маркали пресс материал ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги

Қўлланиладиган композиция	ППФАВМФФО-1/80Б маркали пресс материал учун (махаллий)	PF2A2-131 маркали пресс материал учун (импорт)
«Акмал Умид Барака» МЧЖ корхонаси бўйича кутилаётган ишлаб чиқариш, тонна	5	5
Бир тоннасининг нархи, минг сўм	29 833	50 600
Йиллик нархи, минг сўм	149 165	253 000
Иқтисодий самарадорлик, минг сўм	103 835	

Импорт қилинадиган PF2A2-131 маркали пресс материалнинг бир тоннаси 4 000 АҚШ долларига тенг. АҚШ долларининг курси бир доллар учун 12 650 сўм бўлганда, бу бир тонна учун 50 600 минг сўмни ташкил қилади. Маҳаллий ишлаб

чиқарилган ППФАВМФФО-1/80Б маркали пресс материалнинг бир тоннаси учун 29 833 минг сўмни ташкил этади. Нархлар ўртасидаги фарқ бир тонна учун $50\ 600 - 29\ 833 = 20\ 767$ минг сўмни ташкил этади.

«Акмал Умид Барака» МЧЖ корхонаси йилига четдан импорт қилаётган 5 тонна пресс материалнинг ўрнига маҳаллий ППФАВМФФО-1/80Б маркали пресс материални қўллаш натижасида йилига 103 835 минг сўмлик иқтисодий самарага эришади.

Хулоса:

1. Алифатик гидроксил сақловчи полиэфирполиолларнинг синтез қилиш қонуниятлари ўрганилди. Тадқиқотлар натижасида хона ҳароратида ҳам суёқ агрегат ҳолда бўладиган, молекуляр массаси 1100 г/моль, гидроксил гуруҳ миқлори 2,2 % ва кислота сони 8 мгКОН/г бўлган АДК ва ДЭГ нинг 1:1,1 моль/моль нисбатида синтез қилинган диэтиленгликоладипинатолни дастлабки мономер сифатида танлаб олинди.

2. Юқори молекуляр массали термореактив фенол-формальдегид олигомерларини ишлаб чиқариш талабларига жавоб берадиган фенол спирт синтез қилиш қонуниятлари ўрганилди. Синтез қилинган фенол спиртлар ичидан олигомерларининг қайта ишлаш вақтида ўртача қотадиган ва эритувчиларда яхши эрийдиган фенол:формальдегид 1:1,5 моль/моль нисбатда синтез қилинган фенол спиртни дастлабки мономер сифатида танланди.

3. Синтез қилинган ДЭГА ва ФС асосида юқори молекуляр массали термореактив фенол-формальдегид олигомерларининг ҳосил бўлиш қонуниятлари ўрганилди.

4. Олигомерларнинг физик-кимёвий, технологик хоссалари аниқланиб, тузилиши замонавий ИҚ ва ЯМР –спектрлари билан таҳлил қилинган.

5. Марк-Хувинк-Кун тенгламасининг K, α коэффицентлари топилди. Молекуляр массаси 5127 г/мольдан 10689 г/мольга тенг юқори молекуляр массали термореактив фенол формальдегид олигомерлари синтез қилинди.

6. Синтез шароитларини юқори молекуляр массали олигомерларнинг технологик хоссаларига таъсири ўрганилди. Олинган технологик хоссалар натижасида юқори молекуляр массали термореактив фенол-формальдегид олигомери ишлаб чиқаришнинг технологияси ишлаб чиқилди ва синтез қилинган ФАВМФФО-1/80 маркали олигомерини саноат аналоглари билан физик – кимёвий ва технологик хоссаларини солиштирилди;

7. Синтез қилинган юқори молекуляр массали термореактив фенол-формальдегид олигомерлари асосида полимер композиция ишлаб чиқариш рецептураси ва технологияси ишлаб чиқилди. Полимер композиция асосида тажриба синов намуналари олиниб синовдан ўтказилди.

8. Тадқиқот натижаларига кўра, маҳаллий ППФАВМФФО-1/80Б маркали пресс материални «Акмал Умид Барака» МЧЖ корхонасига четдан импорт қилинадиган PF2A2-131 маркали пресс материал билан иқтисодий самарадорлини таққосланди. Натижада корхона бир тонна пресс материал учун 20 767 минг сўм тежайди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.К.Т.04.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ТОХИРОВ МУРОДЖОН ИХТИЁР УГЛИ

**ВЛИЯНИЕ УСЛОВИЙ СИНТЕЗА ВЫСОКОМОЛЕКУЛЯРНЫХ
ТЕРМОРЕАКТИВНЫХ ФЕНОЛ-ФОРМАЛЬДЕГИДНЫХ
ОЛИГОМЕРОВ НА ИХ ФИЗИКО-ХИМИЧЕСКИЕ
И ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА**

02.00.14 - Технология органических веществ и материалов на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан под номером В2024.2.PhD/T4594.

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.tcti.uz и Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель:

Алимухамедов Музафар Ганиевич
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Кодиров Тулкин Жумаевич
доктор технических наук, профессор

Мадиев Руслан Хаиткулович
кандидат технических наук

Ведущая организация:

Ташкентский государственный технический университет имени И. Каримова

Защита диссертации состоится «17» 04 2025 г. в 9⁰⁰ часов на заседании научного совета DSc.03/30.12.2019.T.04.01 по присуждению ученых степеней при Ташкентском химико-технологическом институте по адресу: (100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навоий, 32. Тел: (998-71) 244-79-20, факс: (998-71) 244-79-17, e-mail: info@tcti.uz, www.tcti.uz). Административное здание Ташкентского химико-технологического института, 2 этаж, конференц-зал).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за № 7 с которой можно ознакомиться в ИРЦ (100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А. Навои, 32. Тел: (998-71) 244-79-20).

Автореферат диссертации разослан «15» 03 2025 года.
(протокол рассылки №7 от «15» 03 2025 года).



С.М. Туробжонов

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., академик

Х.И. Кодиров

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

Г.Р. Рахмонбердиев

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время важную роль в развитии полимерной промышленности играет производство полимерных композиций с улучшенными физико-механическими и эксплуатационными свойствами, в частности, с низкой плотностью, высокими диэлектрическими характеристиками, экологической безопасностью и экономичностью. При переходе композиционных материалов в сшитое состояние важное значение имеет поиск прочных и стабильных связующих, которые не вызывают внутренние напряжения в материале, предотвращают растрескивание и образование дефектов полимера, а также производство высокомолекулярных терморезистивных фенол-формальдегидных олигомеров.

В мире ведутся научные исследования по получению терморезистивных высокомолекулярных фенольно-формальдегидных олигомеров путем поиска прочных и стабильных связующих, производству полимерных композиций, модифицированных различными наполнителями. В этой связи особое внимание уделяется разработке составов композиционных материалов на основе алифатических гидроксилсодержащих полиэфирполиолов и фенолоспиртов, выявлению зависимости между физико-химическими свойствами и технологическими и эксплуатационными характеристиками, созданию и испытанию технологий производства материалов, обеспечивающих их целевое применение в промышленности.

В нашей республике особое внимание уделяется синтезу доступных и стабильных связующих из вторичных продуктов, изменению свойств композиционного полимерного материала регулированию технологических и эксплуатационных свойств и использованию энерго-и ресурсосберегающих систем его переработки, и достигнуты определенные научные результаты. В стратегии развития Нового Узбекистана определены важные задачи по «дальнейшему развитию потенциала местных отраслей промышленности с полным использованием имеющихся возможностей, внедрению стандартов, отвечающих требованиям внешнего рынка и международным требованиям»². В связи с этим особое значение имеют исследования, направленные на получение высокомолекулярных терморезистивных фенолформальдегидных олигомеров со специальными свойствами на основе местного сырья с заранее заданными свойствами, ускорение технологии производства материалов на их основе.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», УП-5953 от 2 марта 2020 года «О Государственной программе по реализации в Год развития науки, просвещения и цифровой экономики», ПП-3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию развития химической промышленности в Республике Узбекистан», ПП-3264 от 29 августа 2017 года «О мерах по

² Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы»

совершенствованию экспортно-импортной деятельности организаций химической промышленности», ПП-3479 от 17 января 2018 года «О мерах по стабильному обеспечению отраслей экономики страны востребованными видами продукции и сырья», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. Научно-исследовательские работы по влиянию условий синтеза высокомолекулярных термореактивных фенолформальдегидных олигомеров на их физико-химические и технологические свойства проводились следующими учеными. Xie J., Zeng N., Li N., Xiao M., Rao X., Wu Y., Варюхин В.В., Шишлов О.Ф., Трошин Д.П., Гоготов А.Ф., Варфоломеев А.А., Угрюмов С.А., Федотов А.А., Eter G., Застрочина О.Б., Швец Н.И., Постнов В.И., Серкова Е.А., Liu Sh., Dongsen W., Li X., Liu P., Kassebi F., Mammadov B., Francisco C., Виткалова И.А., Parameswaran P.S., а также учеными Республики, такими как, Магруппов Ф.А., Абдурашидов Т.Р., Джалилов А.Т., Негматов С.С., Рашидова С.Ш., Таджиходжаев З.А., Мухиддинов Б.Ф., Каримов М.К., Алимухамедов М.Г., Адиллов Р.И., Низамов Т.А., Жураев А.Б. и другими проводились научно-практические работы, были синтезированы термореактивные олигомеры, улучшены их физико-химические свойства, проведены исследования по их применению.

